

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/1 ✪ 2016



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ✪ АСТА NUUZ

Сабоҳат Рақимова

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2016
1/1**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

Ш.С. СИРОЖИДИНОВ – фил.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Х. ХАЙТБАЕВ – к.ф.н.

Таҳрир ҳайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.д., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Холманова З.Т. – фил.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.н.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2016

Утебаев Т.Т. Қорақалпоғистонда узлуксиз таълим ислохоти.....	171
Ҳамидова Ф. Мутафаккирлар ижодида болаларни меҳнатга ўргатиш тамойиллари.....	174
Ҳалиқова Д. Офицер фаолиятида ҳарбий психологик билимларнинг тутган ўрни.....	176
Ҳалӣйгитова Н.Х. Ўқувчиларни касбга йўналтиришнинг психодиагностик методикаси.....	179
Шамснев Ў. Соғлом бола ёхуд дастлабки мулоқот ва меҳрли муносабат.....	183
Шоназаров А.М. Замонавий раҳбарнинг ўз-ўзини бошқариши.....	186
Юлдашев С.Ў. “Ўзбек модели”нинг жамиятни илмий бошқаришдаги ўзига хос ўрни.....	189
Избуллаева Г.В. «Жалолиддин Румий асарларида юксак маънавиятли шахс тарбияси» номли монографиясига тақриз.....	192

Филология

Abdullayeva N.E. Using of contrastive method in the analysis of translation of proverbs.....	194
Амонова. З., Мўминова А. Тилак ва ниятни ифодаловчи тил бирликлари (ўзбек ва француз тиллари мисолида).....	197
Балтабаева А.М. Своеобразие «мозаичной» композиции рассказа Саломат Вафо «Мелодия зла».....	200
Vaxronova D.K. Lisoniy tasvirda insonning ichki, ruhiy, intellektual xarakter xususiyatlarining leksik-semantik guruhlarda ifodalanishi”.....	203
Boboyeva N.N. Oliy ta’limda ingliz tilini o’rgatish jarayonida interaktiv usullardan foydalanish afzalliklari.....	207
Валиев Т.Қ. Автоўлсозлик терминларининг лисоний тизимдаги ўрни.....	210
Дўсматов Х. Қофия ва услубий такрор оҳангдорлигига асосланган аския матнларида сўз ўйинлари.....	213
Замилова Р.Р. Героизм и патриотизм в свете биологизаторского понимания.....	216
Кадирова Н.Р. Особенности проведения контроля и оценки уровня владения иностранной (английской) устной и письменной речью в коммуникативном обучении.....	219
Камилова С.Э. Контурь русского литературного процесса начала XXI века.....	221
Қурбонова М.М. Матн назариясининг долзарб муаммолари.....	227
Мамажонов З.А. Закиёна ифода асосидаги санъатлар.....	230
Мухаммедова Н. Образы матерей в трилогии Маргарет Дрэббл.....	234
Назмутдинова К.Р. К вопросу о компонентах иноязычной коммуникативной компетенции.....	236
Пирманова Г.Н. Процесс активизации интереса к английскому языку на внеаудиторных занятиях.....	239
Рихсиева К. Лингвокультурологик феноменлар тадқиқи хусусида.....	243
Сайдалиев Т. Абдулла Кодирий маънавий қарашларининг русча таржималардаги инъикоси.....	245
Сайфуллаев А.И. Предлог ва қўмакчининг сўз туркумлари тизимидаги “оралиқ учинчи” мавқеи.....	252
Salieva S. The bases of teaching a foreign language.....	256
Содиқова С.А. Идеографик луғат тузишнинг назарий асослари.....	259
Тожиева Г.Н. “Миллий гоё” лингвомаданиятшунослик луғати ва унда концептуал лексикография.....	263
Тошева Д.А. Лингвокультурология ва тилшунослик.....	266
Усмонова М.К. Сўз морфем таркибининг ўзгариши ҳақидаги қарашлар.....	270
Фатыхова Ф. Тенденции развития медицинской терминологии в Средней Азии.....	273
Ҳакимова С.Д. Инглиз ва ўзбек тилларидаги озик-овқат компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик таҳлили.....	276
Xamdamova S. Rusiyazon talabalarga o’zbek tilini o’rgatishning metodik asoslari.....	279
Ҳасанов Л.Х. Жанр детективного романа в Американской литературе 20-30-х годов XX века.....	281
Ҳакимова Г.Э. Фразеологик бирликларнинг грамматик таркиби ва уларнинг контекст билан муносабати.....	285
Шарипова М.Э. Изучение проблемы языковой картины мира во фразеологических единицах.....	289

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛИРИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ КОМПОНЕНТЛИ
ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Хакимова С.Д. *

РЕЗЮМЕ

Мақола инглиз ва ўзбек тиллари фраземалари таркибидаги таянч компонент озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликларнинг лингвокультурологик таҳлиliga бағишланган. Унда лингвокультурологиянинг Маслова яратган асосий критериялари – менталитет, маданий муҳит, маданий жиҳат, маросим ва анъана, диний эътиқод, цивилизация бўйича қиёсий таҳлилар мисоллар асосида келтирилди. Таҳлил натижаларига кўра, баъзи мавзулардаги иборалар фақатгина маълум бир халқ лексикасига талукли бўлади. Ўзбек тилидаги географик жойлашувни ифодаловчи ва ирм-сиримларга оид ФБлар, инглиз тилидаги эртақлар билан боғлиқ фраземалар шулар жумласидандир.

Калит сўзлар: фразеологик бирлик, фразема, лингвокультурологик таҳлил, менталитет, маданий муҳит, маданий жиҳат, маросим ва анъана, диний эътиқод, цивилизация.

Инглиз ва ўзбек тилидаги фразеологик бирлик(ФБ)ларнинг турли - қиёсий, семантик ва грамматик каби таҳлиллари қилинган. ФБларнинг лингвокультурологик таҳлили таҳлил турлари ичида нисбатан ёш ва янги ривожланаётган йўналишдир. Айнан ФБларда маълум бир халқнинг ўзигагина хос этности, маданияти ва менталитети, бошқа халқларникига ўхшамаган кирралари ва айни вақтда умуминсоний қадриятлар образли ифода этилади. Бу ФБларнинг бошқа тил бирликлари – сема, семантика, лексикаларга қараганда анчайин кенг ва серқирра тил бирлиги эканлигидан далолат беради.

Фраземалар таркибидаги зоолигизм, соматизм, мифологик, ранглар ва сонлар каби фраземаларнинг семантик таянч компоненти вазифасини ўтайди[1]. Шу маънода, инглиз ва ўзбек тиллардаги ФБларни лингвокультурологик таҳлил этишда, биз озиқ-овқат компонентли фразеологик бирликлар (ООКФБ) таҳлиliga эътибор қаратмоқчимиз.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар бир миллат ФБларида учровчи компонент экани улар орқали инглиз ва ўзбек халқларини тил ва маданияти нуқтаи назаридан лингвокультурологик кузатиш имконини беради. Мавзунинг лингво-культурологичаси чуқур таҳлилий ўрганган тилшунос олим Маслова яратган парадигмалар асосида қўриб чиқиш унинг кенг камровли ва тартибли таҳлиliga асос бўла олади. “Илмнинг лингвокультурологик тармоқларига қуйидаги терминлар қиради: менталитет, маданий муҳит, маросим, анъана, диний эътиқод, цивилизация ва бошқалар.”[2]

Лингвокультурологик таҳлилнинг энг аввалги парадигмаси бу – менталитет бўлиб, унга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да қуйидагича таъриф берилган: Менталитет – [нем. mentalitat < лат. mens, mentis – ақил идрок] жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маданий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда ақлий қобилияти, руҳий қуввати [3]. Қўрилаётган инглиз ва ўзбек тилларида бир бирининг ўрнини босувчи ООКФБ ларни излаш мақсадга мувофиқ эмас. Бунга сабаб бир тарафдан ҳамма ФБларга ҳам эквивалент топиб бўлмаслиги бўлса, бошқа тарафдан миллийликни икки тилда турлича ифода этилишидир.

Менталитетни ўзида акс эттириш ҳар бир ФБ учун хос, албатта, аммо айрим фразеологизмларда бу ёрқин акс этади. Жумладан, инглиз тилидаги *the apple of one's eye* – кўзининг оқу қораси [8]; *as bald as egg* – ғирт қал, тақир бош [8]. Бу ўринда инглиз тафаккурида кўз гавҳари “олма” компоненти орқали, тақирлик “тухум” компоненти орқали кўрсатилган. Ўзбек тилидаги мисол: *ўғилми, ҳолва?* – ўғилми-қизми? Янги туғилган бола ҳақида бериладиган савол. (қиз унаштирилганда кўёв томонидан қиз томонга юбориладиган совғаларга ҳолва қўшиб юбориш одат бўлгани учун шундай дейилади [6]. (ҳолва – араб тилидан кириб келган сўз, ширинлик; қандолат маҳсулоти)

Менталитетнинг яна бир элементи маданий муҳитни ифодаловчи ФБлардир. Бу турдаги ФБлар ўзларида халқнинг маданияти ва дунёқараши, шунингдек, фикрлаш тарзини ҳам акс эттиради.

Инглиз тилида *be in a apple pie order* – to be in perfect order or perfectly arranged [9], ёки *Bread and circuses* – нон ва томоша[8] каби иборалар инглиз маданий муҳитини кўрсатади. Яъни олмали пирог ёки цирк инглиз маданиятининг ажралмас қисмлари ўлароқ ибораларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбек тилида: *арнасини хом ўрдимми?* – нима ёмонлик қилдим?![7]. Бу ФБ халқнинг аграр соҳа билан шуғилланишини кўрсатади. *Отанг ким – ошқавоқ, онанг ким – носқавоқ.* – аждодларининг насл насаби паст[7]. Бу ибора халқнинг насл-насабга ажратиши натижаси ўлароқ майдонга келган. *Тақа бўлсин, сути бўлсин* – нима бўлса ҳам, фойдаси нафи бўлсин[4] каби маънодаги ФБлар халқнинг удлабурон ва фойдани кўзловчи эканлигини кўрсатади.

Маданий жиҳатни ўзида ифодаловчи ФБлар ҳам ҳар икки тилда учрайди, масалан, инглиз тилидаги машхур *an apple a day keeps a doctor away* мақоли халқнинг соғлиқ ва овқатланишининг бир бирига узвий боғлиқлигини донолик билан ифодалаган иборасидир. Ўзбек тилида ҳам маданий жиҳатни иборалар мавжуд, жумладан, *бошидан сув ўгириб ичмоқ* – ўта қадрламоқ, ғоят эзозламоқ[6] ибораси халқнинг эъзозлаш ва қадрлаш даражасининг юкори эканлигини англатади.

* Хакимова С.Д. – ЎзДЖТУ ўқитувчиси.

Маросим ва анъаналарни ифодаловчи ФБлар халқ ҳаётини янада ёркинроқ намоён этиши эътиборга молик. Маросим ва анъаналар халқ ибораларида акс этиши лингвокултурологик таҳлилнинг нечоғлик муҳим эканини кўрсатади. Инглиз тилидаги ООКФБлар ичида маросим ва анъаналарни ифодаловчи қатор иборалар мавжуд, албатта. *Be on the bread-line* – хайр-саҳоват тарзида ташкиллаштириб бериладиган овқатда навбатга туриш[8]. *Break bread with smb.* – ким биландир нонини, овқатини баҳам кўрмоқ, кимнингдир меҳмондўслигидан баҳраманд бўлмоқ, кимнингдир меҳмони бўлмоқ. Ўзбек тилидаги ООКФБларда ҳам маросим ва анъаналарни ифодаловчи иборалар учрайди. Жумладан, *ош бермоқ* – туй-маросим муносабати билан қатта қозонда палов дамлаб, зиёфат ўтказмоқ[7]; *маслаҳат оши* – туй ёки бошқа маросимни ўтказиш олдидан маҳалладаги оксоқоллар, кўни-кўшни ва қариндош-уруғлар учун йиғин ўтказиб бериладиган ош[3]; *патир ушатиш* – унаштириш, унаштириш маросими [3]; *хотин оши* – тўйда хотинларни махсус чақириб ўтказиладиган маросим ва унда бериладиган ош[5] каби иборалар шулар жумласидандир.

Диний эътиқодни ифодаловчи ФБлар ҳар бир халқ фраземаларида учрайди, шунга кўра ФБларнинг лингвокултурологик таҳлилда диний эътиқод парадигмаси ҳам мавжуд. Инглиз тилида: *apple of discord* – жанжал, нифок сабабчиси[8]; *cast one's bread upon the water* – сувга нон ташлаш, миннатдорчилик кутмасдан яхшилик қилиш[8]. Биринчи ибора мифлар таъсирида майдонга келган (мифларга кўра Одам Ато ва Мома Ҳаво олма мевасини еганлари учун жаннатдан қувилганлиги айтилади) бўлса, иккинчи ибора этимологик жиҳатдан Библияга болиб тақалади. Ўзбек тилида: *сув йўғида таямму* – йўқ нарса ўрнида бошқа нарсдан фойдаланишга, бошқа нарса билан кифояланишга тўғри келган ҳолларда айтиладиган ибора[5]; *яхшилик қил сувга ташла билса бағиқ билар, билмаса Ҳолиқ билар*. Ҳар икки ибора ҳам этимологик жиҳатдан диний қарашлар ва муқаддас китоблар билан боғлиқ.

Цивилизацияни ифодаловчи ФБлар халқни ривожланиш жараёнини, турмуш тарзидаги олдинги ҳолат, ўзгариш ва янгиликларни ўзида акс эттиради. Инглиз тилида *every bean has its black* – ҳамма нарсада ҳам камчилик бор; *full of beans* – ҳаётга тўла, энергияга тўла маъноларини берувчи иборалар мавжуд. Бу иборалар халқнинг зироатчилик билан шуғилланганлигини кўрсатади. Шунингдек, ўзбек тилида: *тегирмонига сув қуймоқ* – кимсанинг бирор иш-фаолиятига (одатда, салбий деб қаралувчи ишига) кўмаклашмоқ, унга куч бермоқ [5]. *Супрадаги унига қарамай тандирга ўтин қаламоқ* – бор ёки йўқ эканини суриштирмай, аҳволи билан ҳисоблашмай хотамлик қиладиган эррайим [4]. *Зикр хона у ерда, халимхона бу ерда* – хизматни бирор ерда қилиб, ҳаққини бошқа ерда талаб қилганда айтиладиган ибора [3]. Юқоридаги иборалар маъноси шакли (*тегирмон, тандир, зикрхона*)дан узокла.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги ООКФБларни таҳлил этар эканмиз, улардаги мавзуга кўра хилма хилликни кўрамиз. Яъни баъзи мавзуларни ўзбек тилидаги ООКФБлар ифодаласа, бошқаларини инглиз тилидаги ООКФБлар талқин этади. Жумладан, географик жой номлари ва ирим-сиримларга оид ФБлар инглиз тилидаги озик-овқат компонентли фраземаларда учрамади ёки аксинча, эртақлар билан боғлиқ фраземалар ўзбек тилидаги озик-овқат компонентли иборалар орасида мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Географик жойлашувини ифодаловчи ФБлар юқорида айтилганидек фақат ўзбек тилидаги ООКФБлар таркибида учради. Масалан, *илоннинг ёғини ялаган* – жуда айёр, муғомбир, қув. [7] ёки *туя гўштини еган* – бирор иш, нарсанинг битиши, амалга ошиши жуда судиралиши, чўзилишини қайд этувчи ибора. [5] Халқнинг географик жойлашган ҳудудида чўллик зоналарнинг мавжудлигини кўрсатади. Бошқа бир мисол, *тарвузи қўлтигидан тушди* – умиди пучга чиқиб бушашмоқ. [7], *етти қовун пишиси бор* – ҳали узок, кўп вақт бор. [3] халқ иборалари халқ мўтадил иқлимли ҳудудда яшашидан далолат берад.

Ирим-сиримларни ифодаловчи иборалар. Бу турдаги иборалар метафора шаклида бўлади, масалан, *чучварани хом санамоқ* – хом ҳаёл қилиб юрмоқ, хомтама бўлмоқ [7]. Ошпазликдаги мавжуд иримга кўра тугилган чучвараларни хомлигида санаш уларни қайнаётган сувга солганда ёрилиб кетишига сабаб бўлади ва у хўррандаларга тақдим этишга яроқсиз бўлиб қолади. Ёки *тушингизни сувга айтинг* – бекор айтибсиз, бўлмаган гап, асло ундай эмас [5]. Одамлар баъзида кўрган тушлари ўнгидан келмаслиги учун тушларини сувга айтадилар бунда оқиб турган сув ёмонликларни ўзи билан окизиёт кетади, деб ишонишади.

Энди инглиз тилидаги ООКФБлардаги **эртақлар билан боғлиқ ФБларни** кўриб чиқсак. Масалан, *the goose that lays the golden eggs* – бойлик манбаи [8]. Бу инглизларнинг қадим ва машҳур “Жек ва ловия пояси” эртагидан олинган ибора. *Land of milk and honey* – тўкин мамлакат; мўл-қўлчиликда яшайдиган мамлакат [8]. Бу ибора жаннат ҳақидаги афсоналар билан боғлиқ.

Бу ўзига хослик фақат ООКФБларгагина тегишли бўлиб қолмай ҳар икки тилдаги ФБларни кенг қамровли ўрганилганда ҳам кузатади. Чунки баъзи мавзулар умуминсоний бўлиб, уларни ифодаловчи ФБлар барча халқлар тилларида мавжуд бўлади, аммо шундай иборалар ҳам борки улар фақатгина маълум бир халқ лексикасига тааллуқли бўлади. Шунга кўра, ФБларнинг лингвокултурологик ўрганиш долзарблик касб этади.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш керакки, ўзбек ва инглиз тилларидаги чегараланган, яъни фақатгина ООКФБлар таҳлилининг ўзбек тил ФБларини лингвокултурологик ўрганиш орқали уларни янада теран ва ижтимоий таҳлил этиши имконини беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Исмаилов Ф. Фразеологик бирликларда сонларнинг ифодаланиши. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2014. № 4 Б. 9.
2. Маслова В. А. Лингвокультурология: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. М.: "Академия", 2001. С. 208.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. / А. Мадвалев тахр. ост. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Ж.2. Б. 580, 551, 238, 149, 271.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. / А. Мадвалев тахр. ост. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Ж.3. Б. 643, 662.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. / А. Мадвалев тахр. ост. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Ж.4. Б. 415, 32, 47, 223, 216.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. / А. Мадвалев тахр. ост. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. Ж.5. Б. 550, 133.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. Т.: Комуслар Бош тахририяти, 1992. Б. 22, 202, 206, 111-112, 245, 295.
8. Кунин А.В. Большой англо-русский фразеологический словарь. М.: "Живой язык", 2005. С. 4, 106, 117, 47, 106, 327, 343.
9. Винарева Л.А., Янсон В.В. Английские идиомы. М.: ООО "ИП Логос", 2005. С. 22.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена лингвокультурологическому анализу фразеологических единиц с компонентом названий продовольственных продуктов на материале узбекского и английского языков. На базе сравнительных примеров проанализированы основные критерии лингвокультурологии, определенные В.А.Масловой – менталитет, культурная среда, культурный аспект, обычай и традиция, религиозное верование, цивилизация. Примеры показали, что отдельные фразеологизмы встречаются лишь в лексике определенного народа. В узбекском языке к таким фразеологическим единицам относятся фраземы, связанные с географическими названиями и народными традициями, а в английском – связанные со сказками.

Ключевые слова: фразеологическая единица, фразема, лингвокультурологический анализ, менталитет, культурная среда, культурный аспект, обычай и традиция, религиозное верование, цивилизация.

RESUME

The article is dedicated to linguo-culturological analysis of English and Uzbek expressions' structure support part for phraseological units which have food components in their structure. In it is brought samples on the basis of comparative analysis in accordance with linguo-culturological major criterias which created by V.A.Maslova: mentality, cultural environment, cultural aspect, ceremony and tradition, religion faith and civilisation. According to the results of analysis on some topics expressions are appertained to only one nation's vocabulary. In Uzbek such as phraseological units convey geographocal settle down and belong to superstitions and English phraseologacal units connect with tales.

Key words: phraseologacal unit, phrase, linguo-culturological analysis, mentality, cultural environment, cultural aspect, ceremony and tradition, religion faith and civilisation.